

**АСТРОНОМИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.FM.15.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АСТРОНОМИЯ ИНСТИТУТИ**

**ХАКИМОВ АБДУЛЛО АБДУХАЛИЛОВИЧНИНГ**

**МУҚОБИЛ ГРАВИТАЦИЯ НАЗАРИЯЛАРИДА АКСИАЛ –  
СИММЕТРИК ОБЪЕКТЛАР АТРОФИДА РЕЛЯТИВИСТИК  
АСТРОФИЗИК ЖАРАЁНЛАР**

**01.03.01-Астрономия**

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ  
(PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2021**

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Content of the dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on  
physical and mathematical sciences**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
физико-математическим наукам**

**Хакимов Абдулло Абдухалилович**

Муқобил гравитация назарияларида аксиал – симметрик объектлар  
атрофида релятивистик астрофизик жараёнлар..... 3

**Хакимов Абдулло Абдухалилович**

Релятивистские астрофизические процессы вокруг аксиально –  
симметричных объектов в альтернативных теориях  
гравитации..... 19

**Накимов Abdullo Abdukhalilovich**

Relativistic astrophysical processes around axial-symmetric compact objects in  
alternative theory of gravity ..... 22

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

List of published works  
Список опубликованных работ..... 38

**АСТРОНОМИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.FM.15.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АСТРОНОМИЯ ИНСТИТУТИ**

**ХАКИМОВ АБДУЛЛО АБДУХАЛИЛОВИЧ**

**МУҚОБИЛ ГРАВИТАЦИЯ НАЗАРИЯЛАРИДА АКСИАЛ –  
СИММЕТРИК ОБЪЕКТЛАР АТРОФИДА РЕЛЯТИВИСТИК  
АСТРОФИЗИК ЖАРАЁНЛАР**

**01.03.01-Астрономия**

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ  
(PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2018.2.PhD/FM240 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Астрономия институти институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.astrin.uz](http://www.astrin.uz)) ва «Ziynet» ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Ахмедов Бобомурат Жўраевич,**  
физика-математика фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Ахунов Талат Ахматович,**  
физика-математика фанлари доктори

**Турсунов Эргаш Махкамович**  
физика-математика фанлари доктори

**Етақчи ташкилот:** **Ал-Фаробий номидаги Қозоғистон Миллий Университети,**  
**Олмаота, Қозоғистон**

Диссертация ҳимояси Астрономия институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.FM.15.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100052 Тошкент шаҳри, Астрономия кўчаси, 33-уй, Астрономия институти. Тел. (+998 71) 235-81-02; факс (+998 71) 234-48-67; e-mail: [info@astrin.uz](mailto:info@astrin.uz)).

Диссертация билан Астрономия институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100052 Тошкент шаҳри, Астрономия кўчаси, 33-уй, Астрономия институти. Тел. (+998 71) 235-81-02.

Диссертация автореферати 2021 йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2021 йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ даги № \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**Ш. А. Эгамбердиев**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., профессор, академик

**И.А. Ибрагимов**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби ф.-м.ф.н., катта илмий ходим

**С.П. Ильясов**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси  
ф.-м.ф.д., катта илмий ходим

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда етакчи астрономик марказлари томонидан сўнгги пайтларда кузатилган янги маълумотлар олам кутилмаган манзарага эга эканлигини кўрсатмоқда. Унга кўра, космик микротўлқинли фон нурланиши ва суперянгилар бўйича тадқиқотлардан олинган сўнгги маълумотлар тўплами коинотнинг умумий энергия зичлигини қуйидагича тақсимланганлигини кўрсатди: 4% оддий барион модда, 23% қоронғи модда ва 73% қоронғи энергия. "Қоронғи модда" атамаси оддий моддалар тортишишининг аксинча хусусиятларига эга бўлиб, лабораторияда ҳали аниқланмагандир. Унинг гравитацион эффектлари галактикадаги юлдузларнинг марказ атрофида айланишини, кластерлар ҳаракатини ва бутун коинотнинг катта масштабдаги тузилишини тушунтириш учун зарурдир. "Қоронғи энергия" атамаси нафақат тўғридан-тўғри аниқланмаган, балки оддий моддалар сингари гуруҳланмайдиган номаълум энергия сифатида қабул қилинган. Қоронғи энергиянинг ҳозирги вақтда оддий материя устидан ҳукмронлиги туфайли коинот тезланиш билан кенгаймоқда. Ушбу ҳодисалар одатда гравитациянинг муқобил назариялари билан, шу жумладан Эйнштейннинг умумий нисбийлик назариясининг модификациялари орқали изоҳланади. Шу туфайли коинотни тезланиш билан кенгайишини тушунтиришда ушбу илмий ишда тадқиқ этилган гравитацион линзаланиш ва плазма эффектлари оламнинг кенгайишини тушунтиришда фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда геометрик оптика эффектлари, ёруғлик нурларининг оғиши ҳамда электромагнит кутбланиш векторининг айланиши, қора ўра сояси, электромагнит майдон ва гравитацион майдонда компакт объектлар атрофидаги релятивистик астрофизик жараёнлари ва турли гравитацион моделларидаги параметрларига лимитлар олинишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, 2019 йилда биринчи марта М87 галактикаси марказидаги қора ўра соясининг ҳақиқий тасвири Ходисалар горизонти телескопи (ЕНТ) томонидан кузатилди. Ушбу ЕНТ лойиҳасида 20 мамлакатдан 200 га яқин астроном иштирок этдилар. Қора ўра соясини олиш учун олимлар астрономик мосламалари кузатишининг махсус усули яъни жуда узун базавий радио интерферометриядан (Very long baseline interferometry, VLBI) фойдаланишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда релятивистик астрофизика соҳасида экспериментал ва назарий ишлар олиб бориш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Республикамиз Президенти томонидан илгари сурилган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида<sup>1</sup> мамлакатимизда илм-фаннинг юксалиши, фундаментал тадқиқотларнинг муҳим йўналишлари

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги № ПФ-4947 сонли Фармони «2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси».

ва уларнинг натижаларини ҳаётга татбиқ қилиш йўллари кўрсатиб берилган. Ушбу вазифаларини амалга оширишда, жумладан, охириги йилларда релятивистик астрофизикада компакт объектлар атрофида геометрик оптиканинг эффеќтлари яъни, ёруғликнинг оғиши, ёруғлик қутубланиш векторининг айланиши ҳамда ташқи магнит майдонида зарядланган зарраларнинг ҳаракати ва уларнинг табиатини чуқур ўрганиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПҚ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонида, 2018 йил 29 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан чоп этилган “2019-2021 йилларда Ўзбекистонда тузилмали ислохотларнинг асосий йўналишларининг йўл харитаси”да ҳамда, астрофизика соҳасини ривожлантириш учун ушбу йўналишдаги бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда диссертация тадқиќоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиќотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги.** Мазкур тадқиќот республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг II устувор йўналиши «Энергетика, энергия ва ресурс тежамкорлиги» доирасида бажарилган.

#### **Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.**

Жаҳоннинг бир қатор кўзга кўринган олимлари, масалан: Германиялик олимлар (V. Enolskii, B. Hartmann, V. Kagramanova, J. Kunz, C. Laemmerzahl), хинд олимлари (P. Sirimachan, N. Dadhich, A. Buchdahl), италиялик олимлар (S. Capozziello, L. Rezzolla, L. Modesto, D. Malafarina), рус олимлари (R. A. Konoplya, A. Zhidenko, A. Zakharov, D. Galtsov) чехиялик олимлар (Z. Stuchlik, M. Kolos, J. Schee, J. Kovar), юртимиз олимлари (B. Ahmedov, A. Abdjabbarov, V. Morozova, A. Mamadjanov) ва бошқалар кўплаб назарий изланишлар ва кузатувларда қора ўралар сояси ва унинг яқинидаги энергетик жараёнларни ўрганишган.

Электромагнит майдонлар тузилиши, зарралар ҳаракати ва энергетик жараёнлар каби айланувчи қора ўралар атрофидаги фазо-ваќт хусусиятлари ўзбек олимлари Б.Ж.Ахмедов, А.А.Абдужаббаров, В.С.Морозова ва бошқалар томонидан ўрганилган. Республикамизнинг Улуғбек Астрономия ва Ядро Физикаси институтлари, Германиянинг Макс-Планк, Эйнштейн институтлари, Амалий космик технологиялар маркази ва Франкфурт, Микрогравитация ва Олденбург Университетлари, Чехиянинг Опавадаги Силезия Университети ҳамда Хиндистоннинг Университетлараро Астрономия ва Астрофизика маркази олимлари томонидан компакт объектлар атрофидаги астрофизик жараёнларни қора ўралар сояларини текширган ҳолда ўрганишнинг янги формализми ва эгриланган фазо-ваќтдаги Максвелл тенгламалари аналитик усулда ечиш методикалари ишлаб чиқилган.

Ҳозирда маълумки, катта миқдорда энергия ажратувчи аккрецион тизимларда магнитланган компакт объектлар мавжуд. Бундай объектларнинг магнит майдонлари аккрецион диск оқими билан кучли таъсирлашади ва аккреция системаси физикасига сезиларли таъсир кўрсатади. Бир қатор адабиётларда релятивистик магнитланган юлдузларнинг магнит майдонларига умумрелятивистик тузатмалари кенг ўрганилган. Бироқ, муқобил назариялари доирасида эса батфил ўрганилмаган. Масаланинг шу жиҳатини эътиборга олган ҳолда, биз компакт объектлар атрофидаги электромагнит майдонлар ва релятивистик жараёнларни гравитациянинг муқобил назариялари доирасида ўрганишга ҳаракат қилдик.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Астрономия институтидаги илмий лойиҳалар доирасида олиб борилди: FE2-FA-F134 "Муқобил гравитация назариялари доирасида қора ўралар яқинидаги электромагнит майдонлар ва зарралар ҳаракати "(2012-2013); EF-2A-FA-0-12477 "компакт гравитация объектлари яқинида электромагнит майдонларнинг тарқалиши ва айланувчи зарралар ҳаракати" (2014-2015).

**Тадқиқотнинг мақсади** муқобил гравитация назариялари доирасида компакт объектлар яқинида релятивистик ва астрофизик жараёнларни назарий таҳлил қилиш ва асронмик кузатув натижалари билан таққослашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

муқобил гравитация назарияси доирасида геометрик оптика жараёнларни, жумладан, ёруғрик нурунинг оғиш бурчаги, ёруғлик нури кутбланиш векторини айланиши ва бирламчи манба ёрқинлигининг ортишини ўрганиш;

Вейл назарияси доирасида қора ўра соясини плазма мавжудлигида ўрганиш;

қора ўралар яқинидаги электромагнит майдонлар ва зарядли зарралар ҳаракатларини Хоржава гравитация назарияси доирасида ўрганиш;

Интерференция эффектларини Вейл гравитацион модели доирасида ўрганиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида электромагнит тўлқин, зарядланган зарралар, релятивистик компакт гравитацион объектлар – юлдузсимон ва ўта массив қора ўралар танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида плазмада жойлашган компакт объектларнинг гравитация майдонларидаги геометрик оптика жараёнлари, фотонларнинг қора ўра томонидан қамраб олинишининг кесим юзаси гравитациянинг муқобил назариялари доирасида магнит майдонида жойлашган қора ўралар атрофида зарядли зарралар ҳаракати, қора ўра атрофида ҳаракатланаётган зарядланган зарраларнинг ички барқарор стабил орбиталари.

**Тадқиқотнинг усуллари** сифатида умумий нисбийлик назариясининг математик амаллари, дифференциал геометрия услублари, қора ўралар атрофидаги зарралар ҳаратакти ва майдонлар ҳисоблашда дифференциал тенгламаларнинг аналитик ва рақамли ечиш усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бора Вейл гравитацион моделида ёруғлик оғишининг аналитик ифодаси топилган;

илк бора Вейл гравитацион моделида қора ўра атрофида жойлашган плазма ёруғликнинг оғишига таъсири кўрсатилган;

гравитацион линзаланишда юлдуз тасвирининг катталаштириш коэффициенти плазма мавжудлигида Вейл гравитацион моделида таъсири қарийб Шварцшилд моделида каби бўлиши кўрсатилган;

илк бора бир жинсли плазмада жойлашган қора ўра сояси Вейл гравитацион моделида Шварцшилд моделидагига қараганда кичик бўлиши кўрсатилган;

илк бора Вейл гравитацион моделида фотон қора туйнук экваториал текислигидан унинг айланиш ўқиға параллел тарқалаётганда чексизликда ёруғликнинг поляризация векторининг айланиши модел параметрига боғлиқлиги аниқланган;

илк бора нейтрон интерферометрида заррачаларнинг фаза силжиши Вейл параметрига боғлиқлиги аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

илк бора аналитик топилган ёруғлик оғишининг ифодаси плазманинг дисперсионлиги туфайли электромагнит тўлқин частотасига, массага ва Вейл параметрига боғлиқлиги аниқланган;

илк бора 3С 273 блазар кузатув натижалари билан назарий натижалар таққосланишидан Вейл параметри учун қуйидаги юқори чегараси аниқланган:  $g \leq 10^{-21} \text{ cm}^{-1}$ ;

илк бора Хоржава-Лифшиц гравитациясида Кеҳагиас-Сфетсос параметрига боғлиқ ҳолда сферик симметрик қора ўралар атрофидаги синов зарралари учун айланма орбиталарнинг энг кичик радиуси учун аниқ аналитик кўринишлар олинган;

илк бора Ернинг гравитацион майдонида интерферометер орқали гравитацион қизил силжиш ўлчанган эксперимент натижалари билан бизнинг назарий натижаларимиз таққосланишидан Вейл параметри учун қуйидаги юқори чегараси аниқланган:  $g \leq 10^{-21} \text{ cm}^{-1}$ .

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** фундаментал физика қонунларининг моҳиятини ривожлантириш учун фойдаланилади. Нисбийликнинг умумий назарияси гравитациянинг асосий-маълум қонунлари билан ишлатилиши бу муқобил гравитация назарияларига лимитларидан бири сифатида киритилади; назарий йўл билан олинган натижалар кузатув маълумотлари ва бошқа муаллифларнинг шу ишга доир олинган натижалари билан текширилди; хулосалар гравитацион компакт объектлар назариясининг асосий қоидаларига мос келади.



### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Илмий тадқиқотнинг илмий аҳамияти – илмий изланиш натижаларнинг муқобил ва ўзгартирилган гравитация назарияларига чегара ва лимитлар (constraints and limitations) олиш учун компакт объектлар яқинидаги астрофизик ва релятивистик жараёнларни тасвирлай билишида кўринади. Мазкур диссертация иши, акрецион дисклари ички радиусиларини, номзод қора ўралардан келаётган рентген нурларининг кузатув маълумотлари билан олинган назарий натижаларни билан таққослаш орқали, гравитациянинг муқобил назарияларининг ҳар ҳил параметрлари учун лимитлар олиш имкониятини беради.

Илмий тадқиқотнинг амалий аҳамияти эса гравитациянинг муқобил назариялари доирасида релятивистик юлдузларнинг магнит майдонлари учун олинган ифодалар, астрофизикадаги компакт объектлар атрофида содир бўлаётган юқори энергетик жараёнларини ва шунингдек, ҳар ҳил назарияларидаги гравитация майдонлари табиатларини кенгроқ изоҳлай олишида кўринади.

### **Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.**

Диссертация иши бўйича олинган натижалар асосида:

муқобил гравитация назариялари доирасида олинган магнит майдон тузилишига ва ички турғун айлана орбиталарига оид олинган натижалар бир қатор халқаро журналларда (Physical Review D 2017, Astrophysical Space Sciences 2017, International Journal of Modern Physics D 2017, General Relativity and Gravitation 2015) нашр этилди ва умумий нисбийлик назарияси ва муқобиил гравитация назариялари натижаларини таққослашда фойдаланилди. Ушбу диссертация натижалари ёрдамида турли гравитацион моделларига параметрларига лимитлар олиш имкониятини беради;

бошқа гравитацион назариялари ҳамда кузатув натижалари билан таққослаш учун гравитацион линзалар ва энергетик процесслар муқобил гравитацион моделларда натижалари халқаро журналларда (Physical Review D 2017, Astrophysical Space Sciences 2017, European Physical Journal C 2017, Modern Physics Letters A 2017, Physics Scripta 2017) ишлатилди.

### **Тадқиқот натижаларининг апробацияси**

Диссертация натижалари 25 та халқаро ва маҳаллий илмий анжуманларда текширилди ва муҳокама қилинди.

### **Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши**

Диссертация мавзуси доирасида 33 та илмий мақолалар, шулардан 9 та илмий мақола PhD диссертацияси учун Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссияси томонидан тавсия этилган халқаро илмий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертация ҳажми 87 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида илмий тадқиқотнинг долзарблиги, аҳамияти келтирилган, мақсади ва вазифалари аниқланган, илмий янгилиги ҳамда амалий натижалари кўрсатилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги исботланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти борасида сўз юритилган, тадқиқот натижалари ва диссертация тузилиши берилган.

I боб “Кенгайтирилган гравитация назариялари” деб номланади ва бу ерда диссертацияда ўрганилган муқобил гравитация назарияларига қисқача шарҳ беришга бағишланган.

Муқобил гравитация назариялари бу умумий нисбийлик назариясига (УНН) муқобил сифатида мавжуд бўлган ёки уни (миқдор жиҳатдан ёки тубдан) ўзгартирадиган гравитация назарияларига айтилади. УНН куёш тизимининг миқёсида яхши ўрганилган. Назарияни катта ёки кичикроқ масштабларда синаш анча қийин иш. Умумий нисбийлик назарияси, бошқа ҳар қандай назария сингари, реал ҳодисаларни тасвирлаш учун модел сифатида хизмат қилади. Шунинг учун ҳақиқий табиатда сайёра тизимлари миқёсидаги умумий нисбийлик назарияси башоратига мос келиши мумкин, аммо бошқа масштабларда ундан фарқ қила бошлайди.

Хоржава гравитация модели вектор-тензор гравитация назариялари вариантларидан бири ва эҳтимол ҳозирги пайтда энг машҳурларидан биридир. Бу модел 2009 йилда келиб чиқиши асли Чехиядан бўлган америкалик тор назарийчиси Пётер Хоржава томонидан таклиф қилинган. Бу назария релятивистик куч ҳисобланмайдиган қайта тикланадиган назария бўлиб, динамик критик кўрсаткич  $z = 3$  билан ультра-бинафша (УФ) тўрт ўлчовда, вақт ва маконда Лифшиц масштаб-инвариантлигини қабул қилади ва катта масштабларда Эйнштейннинг умумий нисбийлик назарияси билан мос тушади. Тортишиш кучига эга шарсимон симметрик объект ташқарисидаги фазовий ўлчов учун инфрақизил-модификацияланган Хоржава асимптотик ечими Кеҳагиас ва Сфетсос (КС) томонидан қуйидагича топилган

$$ds^2 = -N^2 c^2 dt^2 + N^{-2} dr^2 + r^2 dq^2 + r^2 \sin^2 q dj^2, \quad (1)$$
$$N^2 = f_{\text{KS}}(r) = 1 + \omega r^2 - \omega r^2 \sqrt{1 + \frac{4M}{\omega r^3}},$$

бу ерда  $\omega$  КС параметр ва константа  $\Lambda_{\omega} = 0$  қилиб танланган.

Галактикалар учун кутилмаган айланма эгри чизиклар ва космик микротўлқинли фон (КМФ) спектридаги тебранишлар бошқа астрофизик кузатувлар орасида кашф этилиши 1а ўта янги юлдузлар спектридаги "етишмаётган материя" нинг исботидир. Оламда биз билганимиздан ҳам кўпроқ масса бўлиши мумкинми ёки гравитация назариясининг ўзи қониқарли эмасми? Энди кўп олимлар келишуви билан етишмаётган масса шундан иборатки, бу модданинг янги шакли бўлиб, уни фақат шу модданинг хусусий гравитация кучи билан аниқлаш мумкин. Аммо бу келишувга фақат умумий нисбийлик назариясига муқобил назарияларни синаб кўрилгандан

кейингина эришилди. Гравитация назариясининг бошқа кўплаб муқобил назариялари орасида мос келадиган Вейл гравитацион назарияси ҳозирги космологик жумбоқнинг ечимидир. Эйнштейн-Гилберт гравитацияси таъсирдан фарқли равишда, Вейл шундай шарт қўядики, алмаштиришлар учун Эйнштейннинг умумий нисбийлик назарияси инвариант бўлиши керак. Бу шарт қуйидагича

$$g_{mn}(x) \rightarrow W^2(x)g_{mn}(x), \quad (2)$$

бунда  $\Omega(x)$  - фазо координаталарига боғлиқ скаляр функция. Вейл гравитациясида статик сферик симметрияга эга манба умуман майдон тенгламасининг вакуумдаги ечимидан қуйидагича фазо-вақт метрикасини ёзиш мумкин

$$ds^2 = -B(r)dt^2 + \frac{dr^2}{B(r)} + r^2(d\varphi^2 + \sin^2\varphi d\theta^2), \quad (3)$$

бу ерда

$$B(r) = 1 - \frac{\beta(2 - 3\beta\gamma)}{r} - 3\beta\gamma + \gamma r - kr^2. \quad (4)$$

$b, g, k$  лар - интеграл константалари бўлиб улар қуйидагича изоҳланади:  $\beta = GM/c^2$  (см) - геометрик масса,  $M$  -эса манбанинг массаси ва  $G$  гравитация доимийси;  $\gamma$  (см<sup>-1</sup>) ҳамда  $k$  (см<sup>-2</sup>) бўлиб улар конформал гравитация параметрлари. ( $\gamma = 0 = k$ ) да (22) Шварцшилд кўринишни, ( $g = 0$ ) да эса Шварцшилд-де Ситтер ечимини келиб чиқиб, у космологик масофалардагина муҳимдир. Буни  $k$  нинг қийматини жуда кичик эканлигидан кўриш мумкин ва  $r$  нинг катта қийматларида, масалан галактика ўлчами тартибида  $-kr^2$  сезиларли қиймат қабул қилади.

Сўнгги пайтларда ўтказилган космологик кузатувлар умумий нисбийлик назарияси асосидаги гравитация назариясини ўзгартириш кераклигини кўрсатмоқда. Гравитацион майдон назариясини кенгайтирилиши керак бўлган назарияларда Нютоннинг тескари квадрат қонунига қўшимча равишда янги узок масофали кучлар пайдо бўлиши мумкин. Шунинг унутмаслик керакки, галактик ва космологик катта масштабларда УНН ҳали жиддий текширувлардан ўтмаган. Бироқ, баъзи бир фактлар борки, қоронғу модда ва қоронғу энергиянинг мавжудлигини тасдиқлайдиган кузатувлар умумий нисбийлик назариясини катта масофаларда, кичик тезланишларда ёки кичик эгриликда муваффақиятсизликка олиб келади.

II боб “**Конформал Вейл гравитациясида геометрик оптика**” деб номланганиб, плазма муҳитида жойлашган конформал Вейл гравитациясида гравитацион линзаланиш эффекти, ёруғлик қутбланиш векторининг гравитацион компакт объект яқинида бурилишини ўрганишга бағишланган.

Бу ерда биз гравитация майдони кучсиз ва фазо-вақт асимптотикаси ясси текисликдан иборат деб қабул қиламиз ва математик жиҳатда бун қуйидагича ифдалаш мумкин

$$g_{\alpha\beta} = \eta_{\alpha\beta} + h_{\alpha\beta}, \quad \eta_{\alpha\beta} = (-1, 1, 1, 1), \quad (5)$$

$$h_{\alpha\beta} \ll 1, \quad x^i \rightarrow \infty \text{ да } h_{\alpha\beta} \rightarrow 0.$$

Бу ерда  $g_{\alpha\beta}$ ,  $ds^2 = g_{\alpha\beta} dx^\alpha dx^\beta$  кўринишдаги фазо-вақтнинг метрик тензори,  $h_{\alpha\beta}$  - эса унинг ясси фазо -  $\eta_{\alpha\beta} = (-1, 1, 1, 1)$  га нисбатан кичик эгрлианиши. Цингнинг гравитацияга оид китобида ёруғликнинг дисперцияловчи муҳитдаги троекторияси учун қуйидаги тенглама келтирилган

$$W(x^\alpha, p_\alpha) = \frac{1}{2} \left[ g^{\alpha\beta} p_\alpha p_\beta - (n^2 - 1) (p_\alpha V^\alpha)^2 \right] = 0. \quad (6)$$


Бу ерда  $p^\alpha$  - фотон импульси,  $V^\alpha$  муҳитнинг 4-тезлиги ва  $n$  муҳитнинг нур синдириш кўрсаткичи. Турғун ва бир жинсли бўлмаган плазма учун нур синдириш кўрсаткичи  $n$ ,  $x^i$  ва  $\omega(x^i)$  ларга қуйидагича боғланган

$$n^2 = 1 - \frac{\omega_e^2}{\omega^2(x^i)}, \quad \omega_e^2 = \frac{4\pi e^2 N}{m} \equiv K_e N, \quad (7)$$

бу ерда  $N = N(x^i)$  - плазмадаги электронлар концентрацияси,  $e$  - электрон заряди,  $m$  - электрон массаси,  $\omega_e$  - плазмадаги электрон плазма частотаси. Энди соддалик учун қуйидагиларни киртамыз  $\omega(\infty) = \omega$ ,  $\omega_e(\infty) = \omega_0$ ,  $n(\infty) = \sqrt{1 - \omega_0^2/\omega^2} = n_0$ , у ҳолда оғиш бурчаги учун қуйидаги ифодани оламиз

$$\hat{\alpha}_w^{\text{pl}} = \frac{2\beta}{b} \left( 1 + \frac{1}{1 - \omega_0^2/\omega^2} \right) + \gamma b \left[ 1 - \frac{\omega_0^2/\omega^2}{1 - \omega_0^2/\omega^2} \ln b \right]. \quad (8)$$


Охириги йилларда гравитацион эффектларни кучли майдонларва кузатиш долзарб бўлиб келяпти. Шунинг учун қуйидаги бобда биз фотонлар ҳаракатини кучли гравитацион майдонда ўргандик.



1-расм

Бунда (чап томондаги расм) фотон сфера радиуси ва кўриш параметрининг критикал қийматлари билан  $g$  параметрининг боғланиши кўрсатилган. Ўнг томонда гамма параметрининг ҳар хил қийматида фотонларнинг қора туйнук


томонидан гравитацион қамраб олинishi тасвирланган. Бу ерда узлуксиз чизик  $g = 0$ , тирели чизик  $g = 0.05$ , нуқтали чизик еса  $g = 0.1$ .



2-расм

2-расмда фотон сфера радиуси ва кўриш параметрининг критикал қийматларидан бир жинсли плазма частотасининг боғланиши тасвирланган. Ўнг томондаги панел қора туйнукнинг плазмадаги силуэтини тасвирлайди. Бу ерда узлуксиз чизик  $w_e/w = 0$ , тирели чизик  $w_e/w = 0.5$ , нуқтали чизик еса  $w_e/w = 0.9$  бўлиб Вейл параметри  $gM \gg 10^{-10}$  деб олинган.

Биз геометрик оптиканинг эффектларидан яна бири бўлган ёруғлик поляризация векторининг айланишини компакт объектнинг гравитация майдонида Вейл моделида таъсирини ўрганиб чиқдик. Биринчи ҳолда манба экваториал текисликда кузатувчи эса текисликдан юқорида бўлсин (6-расм, юқори панелга қаранг). Иккинчи ҳолатда (3-расм, пастки панелга қаранг), манба ва кузатувчи симметрия ўқида бўлганида. Бу расмда манба ва кузатувчи симметрия ўқидан  $b$  масофада жойлашган. Пастда, манба ҳам, кузатувчи ҳам симметрия ўқида.



3-расм

Ш боб “Хоржава гравитациясида қора туйнук атрофида заррачалар ва майдонлар” деб номланган бўлиб, бу бобда Гамильтон-Якоби тенгламасидан фойдаланиб, Хоржава-Лифшиц гравитациясида магнит майдонида жойлашган қора ўра атрофидаги зарядли зарралар ҳаракатини ўрганишга бағишланади.

Массаси  $M$  бўлган қора ўранинг Хоржава-Лифшиц гравитациясида фазо-вақт статик ва сферик метрикаси (3) ифодада берилган. Киллинг векторлари  $\xi^\mu$  Максвелл тенгламаларини қуйидагича қаноатлантиради

$$F^{\alpha\beta}{}_{;\beta} = -2C_0(\xi^{\alpha;\beta}{}_{;\beta} - \eta^\alpha) = 0. \quad (9)$$

Бунда  $\eta^\alpha = \{0, 0, 0, 6M^2/\omega r^3\}$ ,  $R^\alpha{}_\gamma \xi^\gamma$  муносабатдаги  $\omega^{-1}$  учун бирламчи яқинлашишидир. Электромагнетик потенциални иккита ташкил этувчилари йиғиндиси кўринишида олиш мумкин  $A^\alpha = \tilde{A}^\alpha + a^\alpha$ ,  $\tilde{A}^\alpha$  Киллинг векторига пропорционал бўлган потенциал, иккинчи қисми  $a^\alpha$  KS параметр  $\omega$  ҳисобидан пайдо бўлган вектор потенциал ва қуйидаги ечим топилди  $a^\alpha = B/2\{0, 0, 0, 3M^2/10\omega r^4\}$ . Шундай қилиб, электромагнит майдоннинг 4-вектор потенциали  $A_\alpha$  қуйидаги кўринишга келади

$$A_0 = A_1 = A_2 = 0, \quad A_3 = \frac{1}{2}B \frac{1}{2}r^2 \sin^2 \theta \left( 1 + \frac{3M^2}{10\omega r^4} \right). \quad (10)$$

Электромагнит майдоннинг ортонормал ташкил этувчилари, кузатувчи тезлиги  $(u^\alpha)_{\text{obs}} \equiv \exp(-\Phi)\{1, 0, 0, 0\}$ ;  $(u_\alpha)_{\text{obs}} \equiv -\exp(\Phi)\{1, 0, 0, 0\}$  бўлган санок системасида, (3) метрик тензордаги лапс функцияга боғлиқ ҳолда қуйидаги ифода билан аниқланади

$$B^{\hat{r}} = B \left( 1 + \frac{3M^2}{10\omega r^4} \right) \cos \theta, \quad B^{\hat{\theta}} = e^{\Phi(r)} B \left( 1 - \frac{6M^2}{10\omega r^4} \right) \sin \theta. \quad (11)$$


Гамильтон-Якоби тенгламасидан фойдаланиб, Хоржава-Лифшиц гравитациясида магнит майдонида жойлашган қора ўра атрофидаги зарядли зарралар ҳаракатини ўрганамиз

$$g^{\mu\nu} \left( \frac{\partial S}{\partial x^\mu} + eA_\mu \right) \left( \frac{\partial S}{\partial x^\nu} + eA_\nu \right) = -m^2, \quad (12)$$

бу ерда  $e$  ва  $m$  лар мос ҳолда, зарранинг заряди ва массаси.  $t$  ва  $\phi$  лар Киллинг ўзгарувчилари бўлиб, уларга нисбатан таъсирни қуйидагича ёзиб олиш мумкин


$$S = -Et + L\phi + S_{r\phi}(r, \phi), \quad (13)$$

Бу ерда сақланувчи катталиқлар  $E$  ва  $L$  мос ҳолда, синов зарраларининг чексизликдаги энергия ва импульс моменти.



**Расм 4.**  $\tilde{\omega}$  нинг ҳар қил қийматлари учун қора ўра атрофидаги айлана орбиталарининг энергия ва бурчак моментнинг радиал боғланиши. Қиёслаш мақсадида,  $\tilde{\omega} \gg 1$  да Шварзшилд қора ўраси ҳоли учун ҳам ушбу боғланишлар келтирилди

4-расмда экваториал текисликдаги айлана орбитада ҳаракат қилаётган зарраларнинг энергия ва айланиш моментларининг радиал боғланиши келтирилган. 4-расмдан шуни кўриш мумкинки, айлана орбиталарда маълум энергия ва айланиш моментига эга зарралар  $\tilde{\omega} = \omega M^2$  ўлчовсиз параметрининг қиймати камайиши билан марказий орбитага томон силжийди.



**Расм 5.** Ходисалар горизонти (чапда) ва ички турғун айлана орбита радиусининг (ўнгда)  $\tilde{\omega}$  параметрига боғланиши

5-расмда ходисалар горизонти (чапда) ва ички турғун айлана орбита радиусининг (ўнгда) ўлчовсиз  $\tilde{\omega}$  параметрига боғланиши келтирилган.  $\omega \geq 2\sqrt{3}/9$  қийматда  $\tilde{\omega}$  ўлчовсиз параметри камайиши билан ички турғун айлана орбита радиуси марказий орбита томон силжийди.  $\omega < 2\sqrt{3}/9$  ҳолатида  $r_{mc}$  учун қуйи чегара йўқ, яъни қора ўра яқинида айланма орбиталар мавжуд бўлиши мумкин. Расмдан кўришиб турибдики, ички айланма орбита радиуси параметр мавжуд бўлганда марказий қора ўрага ўтади. Олинган сонли натижаларни қора туйнукларни айланадиган баъзи номзодлар учун ички айланма орбита радиуси бўйича кузатув маълумотлари билан осонликча таққослаш мумкин.  $\mathcal{W}$  параметр учун қуйи қийматни қуйидагича олиш мумкин  $\mathcal{W} @ 3.6 \times 10^{-24} \text{ cm}^{-2}$ .

IV боб “**Вейл гравитациясида интерференция эффе́ктлари**” деб номланган.

Нейтрон интерферометридаги фазалар силжишига ер гравитацион майдонининг таъсирини синаб кўришга имкон берадиган тажриба биринчи марта Оверхаузер ва Колела томонидан таклиф қилиниб кейинчалик бу тажриба муваффақиятли амалга оширилди. Шундан сўнг, интерференцияланувчи зарраларнинг фаза силжиши билан боғлиқ бошқа таъсирлар аниқланди. Улар орасида ернинг айланишидан келиб чиқадиган таъсири яъни Саньяк эффе́ктининг аналоги ва Линза-тирринг эффе́ктидир.

Бу бобда Вейл параметри мавжудлиги сабабли фаза силжишини олиш учун Вейл гравитацияси доирасидаги секин айланадиган стационар гравитацион майдони учун ушбу формализмни кенгайтирамиз. Бунда қуйидаги Клейн-Гордон тенгламасидан фойдаланамиз




$$\nabla^\mu \nabla_\mu \Phi - (mc/\hbar)^2 \Phi = 0, \quad \Phi = \Psi \exp\left(-i \frac{mc^2}{\hbar} t\right). \quad (14)$$

Кичик ҳадларни  $O((g/c)^2)$  ташлаб йубориб, фаза силжишлар куйидаги кўринишда топилади

$$\beta_{Sagnac} \approx \frac{2m\mathbf{\Omega} \cdot \mathbf{S}}{\hbar}, \quad (15)$$

$$\beta_{Wdrag} \approx \frac{2Gm}{\hbar c^2 R^3} \mathbf{J} \left[ \mathbf{S} - 3 \left( \frac{\mathbf{R} \cdot \mathbf{S}}{R} \right) \frac{\mathbf{R}}{R} \right] - \frac{m\gamma}{M\hbar R} \mathbf{J} \left[ \mathbf{S} - \left( \frac{\mathbf{R} \cdot \mathbf{S}}{R} \right) \frac{\mathbf{R}}{R} \right], \quad (16)$$

$$\beta_{Wgrav} = \beta_{ABD} - \beta_{ACD} \cong -\frac{1}{\hbar} \int H dt = \frac{m^2 g S \lambda}{2\pi \hbar^2} \left( 1 + \frac{c^2}{2g} \right). \quad (17)$$



6-расм.

Моддалар тўлқинларининг интерференцияси туфайли гравитацион қизил силжишни ўлчаш Х. Мюллернинг экспериментал натижалари асосида (Mullet et al, Nature 463, 926 (2010)) Вейл параметри учун  $g \in 2 \cdot 10^{-20} \text{ cm}^{-1}$  қуйи чегаравий қийматини олдик.

## ХУЛОСА

"Муқобил гравитация назарияларида аксиал – симметрик объектлар атрофида релятивистик астрофизик жараёнлар" мавзусидаги диссертация иши бўйича қуйидаги хулосалар олинди:

1. илк бор Вейл гравитацион моделида геометрик оптиканинг эффе́ктлари ўрганилди, жумладан гравитацион линзаланувчи объект яқинида ёруғликнинг оғиши ва поляризация бурчаги оғиши;
2. оғиш бурчаги учун олинган аналитик ифода унинг қуйидаги электромагнит тўлқин частотаси, қора туйнук массаси каби стандарт катталиклардан ва ҳамда модел параметридан боғлиқлигини кўрсатилди. Модел параметри манба тасвирининг катталаштириш коэффицентига деярли таъсир кўрсатмаслиги аниқланди;
3. плазманинг борлиги фотосфера радиусини ошишига, бу эса нишон параметрининг ва қора туйнук силуетининг кичрайишига олиб келади;
4. илк бор, Вейл гравитациясида кутбланиш бурчаги учун олинган назарий натижалар билан олинган кузатув маълумотларини таққослаш ёрдамида Вейл параметри учун қуйидаги юқори чегараси аниқланди:  $g \leq 10^{-21} \text{ cm}^{-1}$ .
5. илк бор, Хоржава гравитациясида КС параметрига боғлиқ ҳолда сферик симметрик қора ўралар атрофидаги синов зарралари учун айланма орбиталарнинг энг кичик радиуси учун аниқ аналитик кўринишлар олинди. Олинган натижалар билан ички турғун айлана орбиталари учун кузатув маълумотларини таққослаш КС ечимининг боғланиш параметри учун қуйидагича энг кичик лимит олинди:  $\omega > 3.6 \times 10^{-24} \text{ cm}^{-2}$ ;
6. илк бор, материя тўлқинларининг интерференцияси туфайли гравитацион қизил силжишини аниқ ўлчанган эксперимент маълумотларини олинган назарий натижаларимизни таққослашдан Вейл параметри учун  $g \leq 10^{-21} \text{ cm}^{-1}$  қуйи чегара олинди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.02/30.12.2019.FM.15.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ АСТРОНОМИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**  

---

**АСТРОНОМИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ**

**ХАКИМОВ АБДУЛЛО АБДУХАЛИЛОВИЧ**

**РЕЛЯТИВИСТСКИЕ АСТРОФИЗИЧЕСКИЕ ПРОЦЕССЫ  
ВОКРУГ АКСИАЛЬНО-СИММЕТРИЧНЫХ ОБЪЕКТОВ  
В АЛЬТЕРНАТИВНЫХ ТЕОРИЯХ ГРАВИТАЦИИ**

**01.03.01- Астрономия**

**АВТОРЕФЕРАТ  
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ФИЗИКО –МАТЕМАТИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2021**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером № B2018.2.PhD/FM240.**

Диссертация выполнена в Астрономическом институте Академии наук Республики Узбекистан.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, английский, русский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.astrin.uz](http://www.astrin.uz)) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

**Научный руководитель:** **Ахмедов Бобомурат Жураевич**  
доктор физико-математических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Ахунов Талат Ахматович,**  
доктор физико-математических наук

**Турсунов Эргаш Махкамович**  
доктор физико-математических наук

**Ведущая организация:** **Казахский Национальный Университет имени аль-Фараби**

Защита диссертации состоится «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 года в \_\_\_ часов на заседании Научного совета DSc.02/30.12.2019.FM.15.01 при Астрономическом институте. Адрес: 100052, г.Ташкент, Астрономическая 33, АИ. Тел.: (+99871) 235-81-02; факс: (+99871) 234-48-67; e-mail: [info@astrin.uz](mailto:info@astrin.uz).

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Астрономического института (регистрационный номер \_\_\_). С диссертацией можно ознакомиться в Библиотеке АИ АН РУз. Адрес: 100052, г.Ташкент, Астрономическая 33, АИ. Тел.: (+99871) 235-81-02.

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 г.  
(протокол рассылки № \_\_\_ от «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 г.).

**Ш. А. Эгамбердиев**  
председатель Научного совета по присуждению  
ученых степеней, д.ф.-м.н., профессор, академик АН РУз

**И.А. Ибрагимов**  
ученый секретарь Научного совета  
по присуждению ученых степеней,  
к.ф.-м.н., старший научный сотрудник

**С.П. Ильясов**  
председатель научного семинара при  
Научном совете по присуждению ученых степеней,  
д.ф.-м.н., старший научный сотрудник

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Целью исследования** является теоретический анализ релятивистских и астрофизических процессов вблизи компактных объектов в альтернативных теориях гравитации и сравнение с наблюдательными астрономическими данными.

**Объектом исследования** являются релятивистские звезды, черные дыры и голые сингулярности.

**Научная новизна исследования** заключается в следующем:

получено, что выражение для угла отклонения света в вакууме модифицируется из-за эффекта  $\mathcal{G}$  ответственного за поправку Вейля к гравитации;

показано, что плазма окружающая черную дыру, в гравитационном поле Вейля влияет на угла отклонения световых лучей;

показано, что увеличение источника изображения за счет гравитационного линзирования вокруг черной дыры в гравитации Вейля в присутствии плазменной среды почти такое же, как если бы это было в случае Шварцшильда;

показано, что размер тени черной дыры в гравитации Вейля при наличии однородной плазмы больше, чем в случае Шварцшильда;

показано, что для фотона, движущегося параллельно осям симметрии от экваториальной плоскости к бесконечности, вращение плоскости поляризации зависит от параметра Вейля в отличие от керровского пространства-времени, где для этого случая нет вращения плоскости поляризации.

**Внедрение результатов исследования.** Результаты диссертации о структуре магнитного поля и о ближайших устойчивых круговых орбитах в альтернативных теориях гравитации были использованы в международных журналах (Physical Review D 2017, Astrophysical Space Sciences 2017, International Journal of Modern Physics D 2017, General Relativity and Gravitation 2015) для сравнения результатов общей теории относительности с модифицированными теориями гравитации. Использование полученных в этой диссертации результатов позволило определить лучшее ограничение и пределы для различных моделей гравитации.

Полученные результаты по исследованию гравитационного линзирования и энергетических процессов в рамках модифицированных моделей гравитации были использованы в международных журналах (Physical Review D 2017, Astrophysical Space Sciences 2017, European Physical Journal C 2017, Modern Physics Letters A 2017, Physics Scripta 2017) для сравнения с результатами других гравитационных теорий, а также с наблюдательными данными.

**Объем и структура диссертации**

Диссертация состоит из введения, четырех глав, заключения, приложения и списка литературы. Объем диссертации составляет 87 страниц.

**SCIENTIFIC COUNCIL DSc.02/30.12.2019.FM.15.01 ON AWARD OF  
SCIENTIFIC DEGREES AT THE ASTRONOMICAL INSTITUTE**

---

**ASTRONOMICAL INSTITUTE**

**HAKIMOV ABDULLO ABDUXALILOVICH**

**RELATIVISTIC ASTROPHYSICAL PROCESSES  
AROUND AXIAL-SYMMETRIC COMPACT OBJECTS  
IN ALTERNATIVE THEORY OF GRAVITY**

**01.03.01 - Astronomy**

**DISSERTATION ABSTRACT OF THE DOCTOR OF PHILOSOPHY (PhD)  
ON PHYSICAL AND MATHEMATICAL SCIENCES**

**Tashkent – 2021**

**The theme of the dissertation of the doctor of philosophy (PhD) on physical and mathematical sciences was registered by the Supreme Attestation Commission of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan under № B2018.2.PhD/FM240.**

The doctoral (PhD) dissertation was carried out at the Astronomical Institute of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.

The abstract of the dissertation was posted in three (Uzbek, English, Russian (resume)) languages on the website of the Scientific Council at the address of [www.astrin.uz](http://www.astrin.uz) and on the website of “Ziyonet” information and educational portal at [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz).

**Scientific consultant:** **Ahmedov Bobomurat Juraevich**  
doctor of sciences in physics and mathematics, professor

**Official opponents:** **Axunov Talat Akhmatovich**  
doctor of physical and mathematical sciences

**Tursunov Ergash Maxkamovich**  
doctor of physical and mathematical sciences

**Leading organization:** **Al-Farabi Kazakh National University Almaty, Kazakhstan**

The defense of the dissertation will be held on “\_\_\_<sup>th</sup>\_\_\_\_\_” 2021 at \_\_\_\_\_ in the meeting of the Scientific Council No. DSc.02/30.12.2019.FM.15.01 at the Astronomical Institute (Address: UBAl, 33 Astronomicheskaya street, 100052, Tashkent city. ph.: (+99871) 2358102; fax: (+99871) 2344867; e-mail: [info@astrin.uz](mailto:info@astrin.uz)).

The doctoral (PhD) dissertation can be looked through at the Information Resource Center of the Astronomical Institute (registered under No. \_\_\_\_). Address: UBAl, 33 Astronomicheskaya street, 100052, Tashkent city. ph.: (+99871) 2358102.

The Abstract of dissertation was distributed on “\_\_\_” \_\_\_\_\_ 2021.  
(Registry record No. \_\_\_ dated “\_\_\_” \_\_\_\_\_ 2021.)

**Sh.A. Ehgamberdiyev**  
Chairman of the Scientific Council  
on Award of Scientific Degrees,  
D.Ph.-M.S., Professor, academician

**I.A. Ibragimov**  
Scientific Secretary of Scientific Council  
on Award of Scientific Degrees,  
C.Ph.-M.S., senior researcher

**S. P. Ilyasov**  
Chairman of the Scientific Seminar of the Scientific  
Council on Award of Scientific Degrees,  
D.Ph.-M.S., senior researcher

## INTRODUCTION (Annotation of PhD dissertation)

